

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИБОДУЛЛАЕВ АБРОРЖОН АХРОРЖОНОВИЧ

«ЎЗБЕКИСТОНДА УЮШГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ («ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА
ФОНД БИРЖАСИ МИСОЛИДА)»

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ибодуллаев Аброржон Ахроржонович

Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш
(«Тошкент» Республика фонд биржаси мисолида)..... 3

Ибодуллаев Аброржон Ахроржонович

Совершенствование организованного рынка ценных бумаг в Узбекистане (на
примере Республиканской фондовой биржи «Ташкент»)27

Ibodullaev Abrorjon Akhrorjonovich

Improving the organized securities market in Uzbekistan (on the example of the
Republican Stock Exchange «Tashkent»)51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИБОДУЛЛАЕВ АБРОРЖОН АХРОРЖОНОВИЧ

«ЎЗБЕКИСТОНДА УЮШГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ («ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА
ФОНД БИРЖАСИ МИСОЛИДА)»

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.3.PhD/Iqt1429 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мухамедов Фарход Турсунбаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайдаров Низомиддин Ҳамраевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» 08 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (203 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 08 кун тарқатилди.
(2021 йил «12» 08 даги 30- рақамли реестр баённомаси.)



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё давлатлари иқтисодий ривожланишининг замонавий тенденциялари шуни кўрсатмоқдаки, молиявий ресурсларни иқтисодиётга жалб этишда уюшган қимматли қоғозлар бозорининг аҳамияти ва ўрни ошиб бормоқда. Хорижий мамлакатларда уюшган қимматли қоғозлар бозори капитализациясининг ЯИМдаги улуши ҳақидаги маълумотлардан шуни кўрсатмоқда. Хусуан, «2019 йилда Хитойнинг махсус режимли ҳудуди бўлган Гонконгда уюшган қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажмининг ЯИМдаги улуши 1338,5 фоиз билан дунёда етакчи ўринни эгаллаган. 2019 йилда Саудия Арабистонида ушбу кўрсаткич 303,5 фоизни ташкил этган. Ушбу давлатларда бошқа йилларга нисбатан 2019 йилда уюшган қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажми ЯИМга нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўрамыз¹». Таҳлилда ушбу давлатларда уюшган қимматли қоғозлар бозори ҳажмининг ЯИМдаги улуши юқори ҳамда молиявий ресурсларни иқтисодиётга жалб этишдаги асосий драйвер эканлигини кўрсатмоқда.

Халқаро молия бозорларида глобал рақобатнинг тобора кучайиб бориши уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий тадқиқотларда иқтисодиётни молиявий ресурслар билан таъминлашда уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ролини ошириш, маҳаллий фонд биржалари фаолиятини халқаро стандартлар талабларига мослаган ҳолда интеграция қилиш, уюшган қимматли қоғозлар бозори ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир доираларини баҳолаш масалалари тадқиқ этилган. Шу билан бир қаторда, мазкур бозор фаолиятининг тебранувчан хусусиятга эга эканлиги, глобал коронавирус пандемияси шароитида молиявий ресурсларни уюшган қимматли қоғозлар бозори орқали жалб этишнинг зарурияти, молиявий инструментлар таркибининг халқаро молия бозори талаблари асосида такомиллаштириш борасида етарли илмий изланишларнинг олиб борилмаганлиги сабабли мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш фаолиятида рақобатбардошликни янада ошириш, миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификациялаш жараёнларини жаҳон стандартларига мувофиқ олиб бориш, иқтисодиётга инвестицияларни, биринчи навбатда базавий ва таркибий асосларни ташкил этувчи муҳим соҳаларга жалб этишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. «Бунда, иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини

¹ Муаллиф томонидан шакллантирилган. Манба: <https://knoema.com/atlas/topics/Economy/Financial-Sector-Capital-markets/Market-capitalization-percent-of-GDP>

яратиш фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини жадал ва барқарор ривожлантириш учун асос ҳисобланади»². Албатта, иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашуви ва инвестиция ва жамғарма тизимининг тобора такомиллашуви ҳам уюшган қимматли қоғозлар бозорининг фаол ривожланиши, бунда фонд биржаларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши, йирик сармоядорларнинг ўз молиявий ресурсларини самарали йўналтирилиши оқибатида фонд биржалари ҳам ўз аҳамиятини кучайтириб борди. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда уюшган қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5073-сон «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 268-сон «Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 26 апрелдаги 358-сон «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг вужудга келиши ва ривожланишининг илмий-назарий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан, Й.Нобуёши, Ю.Ҳсинг, С.Келлер, М.Сиегрест, Б.Нежла, Л.К.С.Чан, Й.Ҳамао, Ж.Лаконишок, Ф.Секмен, М.Эзази, С.Кетаби, С.Ҳоссеини, С.Жаббарзадеҳ, Б.Каваси, М.Мотовассел, А.Эллул, Ҳ.Шин, И.Тонкс, Й.Нишумура, Й.Цуцуи, Д.Григорьева, М.Морозова, У.Шарп, Г.Александр, Дж.Р.Хикс, Я.Миркин, Д.Стауффер, Д.Сорнетти, М.Бартолози, Б.Б.Леинвебер,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сонли «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

А.В.Томас³ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, ундаги мавжуд муаммолари самарали усуллар билан бартараф этиш масалалари республикамизнинг етук иқтисодчи олимларидан бўлган Ш.Шохаъзамий, И.Бутиков, А.Вахабов, Н.Жумаев, М.Хамидулин, У.Алиев, Х.Ақромов, В.Котов, Ф.Мирзаев, Ф.Мухамедов, Т.Ядгаров, Ж.Каримқулов, С.Элмирзаев, А.Шомиров, Қ.Чинқулов, У.Халиков, Х.Худойқулов, Ш.Султонов, А.Хўжамуродов⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрин олган.

³Yamori Nobuyoshi. Commodity Etf's in The Japanese Stock Exchanges. Journal of Advanced Studies in Finance, ISSN 2068-8393 <https://journals.aserspublishing.eu/jasf/article/view/45>. Issue Vol 2 No 1 (2011): JASF Volume II Issue 1(3) Summer 2011; Yu Hsing. Impacts of Financial Stock Prices and Exchange Rates on the Demand for Money in Poland. South East European Journal of Economics and Business. Volume 2 issue 1 04 Mar 2008 . University Hammond, USA.; C.Keller, M.Siegrist. Investing in Stocks: The influence of financial risk attitude and values-related money and stock market attitude. Journal of Economic Psychology, Volume 27, Issue 2, April 2006, Pages 285-303.; B.Nejla. Book-to-market equity and size as determinants of returns: evidence from the tunisian stock exchange. Современная экономика: проблемы, тенденции, перспективы, № 8, 2013. University of Manouba, ESC (High School of Business), (Tunisia).; Chan L.K.C, Y.Hamao, J.Lakonishok. Fundamentals and Stock Returns in Japan' The Journal of Finance, vol. 46, No. 5, December 2010, pp. 1739- 1764, DOI 10.1111/j.1540-6261.1991.tb04642.x.; F.Sekmen. Exchange rate volatility and stock returns for the U.S. African Journal of Business Management Vol. 5(22), pp. 9659-9664, 30 September, 2011 <http://www.academicjournals.org/AJBM> DOI: 11.5897/AJBM11.649. Academic Journals Faculty of Economics and Administrative Science, Sakarya University, 54187-Sakarya, Turkey.; M.Ezazi, S.Ketabi, S.Hosseini. Ranking Stock Exchange Companies With a Combined Approach Based on FAHP-FTOPSIS Financial Ratios and Comparing Them With Tehran Stock Exchange Rankings. International Journal of Business and Development Studies Vol. 7, No. 1, (2015) pp 63-75. University of Sistan and Baluchestan, Iran.; S.Jabbarzadeh, B.Kavasi, M.Motavassel. The effects of outside board on firm value in Tehran Stock Exchange from the perspective of information transaction costs. Int. J. Industrial Mathematics (ISSN 2008-5621) Vol. 5, No. 4, 2013 Article ID IJIM-00361, 11 pages. <http://ijim.srbiau.ac.ir/>; A.Ellul, H.Shin, I.Tonks. Opening and closing the market: evidence from the london stock exchange. Journal of Financial and Quantitative Analysis. Volume 40, Issue 4 December 2005 , pp. 779-801. School of Business Administration, University of Washington.; Y.Nishimura, Y.Tsutsui. Do international investors cause stock market spillovers? Comparing responses of cross-listed stocks between accessible and inaccessible market. Economic Modelling, Volume 69, January 2018, Pages 237-248. Д.Григорьева. Влияние инфляции и курса валют на фондовый рынок. Journal Modern problems of science and education. – 2014. – № 2. Peoples' Friendship University of Russia; М.Морозова. Формирование региональных оптово-распределительных центров с использованием современных биржевых инструментов в Оренбургской области. Региональная экономика: теория и практика. 5 (2016) 73–85. Оренбургский государственный аграрный университет; Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. Инвестиции. - Пер. с англ. – М.: ИНФРА М, 1999. - XII, 1028 с.; Хикс Дж.Р. Стоимость и капитал. – М.: Прогресс, 1988. - 365 с.; Миркин Я.М. Рынок ценных бумаг России: воздействие фундаментальных факторов, прогноз и политика развития. – М.: Альпина Паблишер, 2002. - 583 с.; D.Stauffer, D.Sornette. Self-organized percolation model for stock market fluctuations. Physica A: Statistical Mechanics and its Applications. Volume 271, Issues 3–4, 15 September 1999, Pages 496-506. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0378437199002903>; M.Bartolozzi, D.B.Leinweber, A.W.Thomas. Self-organized criticality and stock market dynamics: an empirical study. Physica A: Statistical Mechanics and its Applications. Volume 271, Issues 3–4, 15 September 1999, Pages 496-506. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0378437199002903?via%3Dihub>.

⁴ Шохаъзамий Ш.Ш. Биржевая деятельность. Учебник. - Т.: Им Зию, 2006. - 288 с.; Бутиков И. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001. - 496 б.; Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: Академнашр, 2009. -141 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. – Т.: Молия, 2008. - 204 с.; Алиев У.М. Пути совершенствования функционирования инфраструктуры рынка ценных бумаг: Автореферат дисс... к.э.н. – Ташкент, 2008. - 19 с.; Ақромов Х.М. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига макроиқтисодий сиёсатнинг таъсири: и.ф.н.дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. - 22 б.; Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007. – 23с.; Мирзаев Ф.И. Молия бозори операциялари рискларини баҳолаш усуллари (қимматли қоғозлар мисолида): и.ф.н. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. - 20 б.; Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари. Иқт. фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 60 б.; Ядгаров Т.Д. Депозитарная система рынка корпоративных ценных бумаг и ее интеграция в международный рынок капитала: автореферат дисс... к.э.н. -

Уларнинг илмий ишлари ва тадқиқотларида уюшган қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши, хусусиятлари, унинг ривожланиш босқичлари ҳамда мазкур бозорнинг институционал тузилмаси сифатида биржаларнинг шаклланиши ва инфратузилмасини жаҳон стандартларига мос равишда ривожланишини таъминлаш, Ўзбекистонда биржа фаолиятининг динамик таҳлили каби масалалар қамраб олинган.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги, етарли даражада назарий ва амалий ишлаб чиқилмаганлиги мазкур илмий тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

уюшган қимматли қоғозлар бозорининг вужудга келиши ва ташкил этилишини кўриб чиқиш;

уюшган қимматли қоғозлар бозорининг таркибий тузилмаси ва уларнинг асосий вазифаларини таснифлаш ва тавсифлаш;

уюшган қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини очиқ бериш;

мамлакатимиз уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденциялари таҳлил этиш;

Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозорига таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш ва уларни баҳолаш;

хорижий мамлакатларда уюшган қимматли қоғозлар бозори кўрсаткичлари ва уларнинг ривожланиш ҳолатини ўрганиб чиқиш;

мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги муаммоларни кўриб чиқиш ва уларнинг ечимлари юзасидан таклиф ва

Тошкент, 2003. - 20 с.; Каримқулов Ж.И. Ўзбекистон иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори ролини ошириш йўллари: И.ф.н. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2012. - 22 б.; Элмирзаев С.Э. и др. Финансовый рынок. Учебник. – Тошкент.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019/ - 400 с; Шомиров А.А. Акциядорлик жамиятлар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари. : Иқт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. - 28 б.; Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш: Иқт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. - 30 б.; Халиков У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш: Иқт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 24 б.; Худойқулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизминини такомиллаштириш: Иқт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. - 24 б.; Султонов Ш.Н. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш йўллари: Иқт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. - 24 б.; Хўжамуродов А.Ж. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш: Иқт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. - 26 б.

тавсиялар ишлаб чиқиш;

уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштиришнинг илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Тошкент» Республика фонд биржаси фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети уюшган қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда вербал шарҳлаш, кузатиш, илмий абстракциялаш, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция услублари, олиб борилган тадқиқот натижаларни баён қилиш, SWOT таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уюшган қимматли қоғозлар бозорининг Stock Market сегментида «Premium» ва «Standard» тоифаларини амалиётга жорий этиш асосида мазкур тоифаларга кириш талаби ишлаб чиқилган ҳамда листинг тоифалари оптималлаштирилган;

фонд биржасининг «Premium» листинг тоифаси (Stock Market) учун эмитент соф фойдасининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини дивидендларга йўналтириш тартибини киритиш орқали акциялар ликвидлигини ошириш ва акциядорлик жамиятларида дивиденд ҳисоблаш такомиллаштирилган;

облигациялар бозорида (Bond Market) масъулияти чекланган жамиятлари (МЧЖ) томонидан чиқариладиган корпоратив облигацияларни биржада эркин савдосини ташкил этиш асосида уюшган қимматли қоғозлар бозори молиявий инструментлари такомиллаштирилган;

уюшган қимматли қоғозлар бозорида ҳар календарь йили учун листинг компаниялари қимматли қоғозлари билан тузиладиган битимларининг умумий сони 100 тадан кам бўлмаслиги асосида акциялар бозорида реал битимлар тузилиши ва уларнинг шаффоф ва ишончли бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

уюшган қимматли қоғозлар бозорининг таркибий тузилмаси ва иштирокчилари таснифланди;

коронавирус пандемияси даврида фонд биржасида инвесторларга қулай шароит яратиш, транзакцион харажатларни оширмаслик, битимларни майдалаб сотиш орқали уюшган қимматли қоғозлар бозоридаги савдо ҳажми 10,5 фоизга, тузилган битимлар сони 4200 тадан ошишига эришиш асосланган;

Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлари бозори фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг ахамиятлилик даражаси SWOT таҳлил усули орқали

баҳоланган;

хорижий давлатларда уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш амалиётини қиёсий таҳлил қилиш орқали улардаги ижобий жиҳатлардан мамлакатимиз уюшган қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ва назарий қарашлар борасидаги қиёсий ёндашувлар таҳлили, жаҳон миқёсидаги тенденциялар ва хорижий тажрибани ўрганиш натижалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, шунингдек, берилган таклифларнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларга киритилганлиги, диссертация тадқиқотлари натижаларининг амалиётда жорий этилиши бўйича «Тошкент» Республика фонд биржаси томонидан берилган маълумотларга асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштиришга доир назарий-методологик ҳамда ушбу тизим фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фундаментал асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва келгусида мазкур йўналиш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсияларнинг «Тошкент» Республика фонд биржаси фаолиятида қўлланилиши, шунингдек «Молия бозори», «Биржа иши», «Корпоратив молия» каби ўқув фанлари бўйича услубий қўлланма, дарсликларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

уюшган қимматли қоғозлар бозорининг Stock Market сегментида «Premium» ва «Standard» тоифаларини амалиётга жорий этиш асосида мазкур тоифаларга кириш талаби ишлаб чиқилган ҳамда листинг тоифалари оптималлаштириш бўйича таклифи «Тошкент» РФБ кузатув кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланган ««Тошкент» Республика фонд биржаси котировка варағи тўғрисида»ги низомда ўз аксини топган («Тошкент» РФБнинг 2020 йил 30 декабрдаги 01/17-07-851-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида фонд биржасининг котировка варағи халқаро қимматли қоғозлар бозоридаги листинг тоифалари тажрибалари таҳлили асосида такомиллаштирилган;

фонд биржасининг «Premium» листинг тоифаси (Stock Market) учун эмитент соф фойдасининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини

дивидендларга йўналтириш тартибини киритиш орқали акциялар ликвидлигини ошириш ва акциядорлик жамиятларида дивиденд ҳисоблаш такомиллаштириш бўйича таклифи «Тошкент» РФБ кузатув кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланган ««Тошкент» Республика фонд биржаси котировка варағи тўғрисида»ги низомда ўз аксини топган («Тошкент» РФБнинг 2020 йил 30 декабрдаги 01/17-07-851-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши натижасида акциядорлик жамиятларида дивидендларни ҳисоблаш тартиби такомиллаштирилган;

облигациялар бозорида (Bond Market) масъулияти чекланган жамиятлари (МЧЖ) томонидан чиқариладиган корпоратив облигацияларни биржада эркин савдосини ташкил этиш асосида уюшган қимматли қоғозлар бозори молиявий инструментлари такомиллаштириш бўйича таклифи «Тошкент» РФБ кузатув кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланган ««Тошкент» Республика фонд биржаси котировка варағи тўғрисида»ги низомда ўз аксини топган («Тошкент» РФБнинг 2020 йил 30 декабрдаги 01/17-07-851-сон маълумотномаси). Таклифни амалиётга тадбиқ этилиши натижасида МЧЖ шаклидаги эмитентларнинг корпоратив облигациялари фонд биржаси инструментлари таркибига киритилган ва муомалада янги молиявий инструментларнинг пайдо бўлишига имконият яратилган;

уюшган қимматли қоғозлар бозорида ҳар календарь йили учун листинг компаниялари қимматли қоғозлари билан тузиладиган битимларининг умумий сони 100 тадан кам бўлмаслиги асосида акциялар бозорида реал битимлар тузилиши ва уларнинг шаффоф ва ишончли бўлишини асослаш бўйича таклифи «Тошкент» РФБ кузатув кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланган ««Тошкент» Республика фонд биржаси котировка варағи тўғрисида»ги низомда ўз аксини топган («Тошкент» РФБнинг 2020 йил 30 декабрдаги 01/17-07-851-сон маълумотномаси). Таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциялар бозорида реал битимлар тузилишига ва мазкур битимларнинг шаффоф ҳамда ишончли бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 12 та республика ва 5 та халқаро илмий ва амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 172 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳамда унинг зарурати асосланган, шунингдек тадқиқотнинг мақсади, вазифалари тавсифланган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлили келтирилган, диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритиб берилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси ва унинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг назарий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида уюшган қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодий мазмуни, вужудга келиши ва ривожланишининг илмий-назарий асослари келтириб ўтилган. Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг институционал таркибий тузилмаси ва унинг асосий вазифалари тавсифланган. Бундан ташқари мазкур бобда уюшган қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган ва тизимлаштирилган.

Уюшган қимматли қоғозлар бозори, фонд биржалари ва уларнинг ташкил этилиши, хусусиятлари борасида хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг назарий қарашлари, фикр-мулоҳазаларининг турлича эканлигини кўрамиз (1-жадвал).

Япониялик олим Й.Нобуёшининг илмий ишларида уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида биржаларнинг аҳамияти, бу борада Токио фонд биржасининг бугунги кунда ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиб, уюшган қимматли қоғозлар бозорида янги рақамли инструментларни жорий этиш зарурлигини таъкидлайди⁵.

Ривожланган хорижий давлатлардаги иқтисодчи олимлар уюшган қимматли қоғозлар бозорини иқтисодиёт ривожланишидаги ўрнини турли иқтисодий таҳлил моделлари орқали кўриб чиққан. Бу борада АҚШ, Франция каби давлатларнинг иқтисодчи олимлари томонидан билдирилган фикрлар муҳим илмий асослардан ҳисобланади. Шунингдек, бир қанча хорижлик олимлардан Yu Hsing «Вох-Сох» модели орқали АҚШда уюшган қимматли қоғозлар бозорини⁶, D.Stauffer, D.Sornette қимматли қоғозлар бозорининг ташкиллашганлик даражаси ва унинг статистик шаффофлигини «Cont-Vouchaud» модели орқали таҳлил этган⁷.

⁵Y. Nobuyoshi. Commodity Efts in The Japanese Stock Exchanges. Journal of Advanced Studies in Finance, ISSN 2068-8393 <https://journals.aserspublishing.eu/jasf/article/view/45>. Issue Vol 2 No 1 (2019): JASF Volume II Issue 1(3) Summer 2019;

⁶Yu Hsing. Impacts of Financial Stock Prices and Exchange Rates on the Demand for Money in Poland.South East European Journal of Economics and Business. Volume 2 issue 1 04 Mar 2008 . University Hammond, USA

⁷D.Stauffer, D.Sornette.Self-organized percolation model for stock market fluctuations.Physica A: Statistical Mechanics and its Applications. Volume 271, Issues 3–4, 15 September 1999, Pages 496-506.

**Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг илмий-амалий асослари
юзасидан хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари⁸**

Хорижий иқтисодчи олимнинг Ф.И.Ш.	Уюшган қимматли қоғозлар бозори (биржа)га оид назарий қарашлар, илмий тадқиқот ишлари мазмуни
Y.Nobuyoshi Нагоя университети (Япония)	Уюшган қимматли қоғозлар бозорида биржалар асосий муассаса бўлиб, улар йирик инвестицион имкониятларни трансформациялаш учун ташкил этилган молия институтлари ҳисобланади.
D.Stauffer Кологне университети (Германия)	Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ташкиллашганлик даражаси ва унинг статистик шаффоғлигини таъминлаш орқали халқаро молия бозорларига интеграциялашувини ошириш мумкин. «Cont-Bouchaud» модели асосида бозордаги статистик кўрсаткичларни таҳлил этиб, бозорнинг келгусидаги динамик ўзгаришида кластер тузиш, прогнозларни ишлаб чиқиш бозорни ривожлантиришда муҳим ўринга эга.
D.Sornette Найс-София Антиполис университети, (Франция)	Олимнинг илмий тадқиқот ишларида АҚШдаги уюшган қимматли қоғозлар бозорининг 28 йиллик (1980-2008) фаолияти авторегрессив ҳаракатланувчи квадратик моделлар орқали таҳлил этилган. Ушбу бозорга валюта курслари ўзгариши биржалар фаолиятига таъсири баҳоланган.
Fuat Sekmen Сакаря университети, (Туркия)	«Вох-Сох» модели орқали АҚШда уюшган қимматли қоғозлар бозори ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Олимнинг фикрича, уюшган қимматли қоғозлар бозори (фонд биржалари) иқтисодийнинг ўлчов воситаси сифатида кенгайиб бормоқда, келгусида молиявий ресурсларни ушбу бозор орқали тўлиқ жалб этиш ижобий самарага олиб келади.
Yu Hsing Жанубий-Шарқий Луизиана университети (АҚШ)	Қимматли қоғозлар бозоридаги савдолар биржада ташкиллашган, уюшган ҳолда бўлади. Ушбу уюшган бозорлардаги молиявий ресурсларнинг ликвидлик даражаси бирмунча юқори ва ишончли бўлади. Мазкур бозорда фонд биржалари алоҳида аҳамиятлидир. Биржалар мазкур бозорларнинг асосий ричаглари сифатида тан олинади.
Andrew Ellul Индиана университети (АҚШ)	(Мазкур олимларнинг илмий ишларида Лондон фонд биржасининг уюшган қимматли қоғозлар бозоридаги ўрни ва уни ривожланиб бориш тенденциялари таҳлил этилган)
Hyun Song Shin Халқаро Ҳисоб-китоблар банки - (BIS) (Швейцария)	Уюшган қимматли қоғозлар бозори – бу иқтисодий жараёнларига бевосита таъсир қилувчи мураккаб тизим бўлиб, фаолияти талаб ва таклиф асосида даврий тебраниб турувчи механизмдир. Биржа мазкур бозорда ўзини ўзи мувофиқлаштирувчи ва бозор тебранишини таъминловчи воситадир.
Ian Tonks Бристол университети (Буюк Британия)	Уюшган қимматли қоғозлар бозори (фонд биржаси) молиявий ресурсларни самарали ҳаракатлантирувчи восита бўлиб, Марказий Осиё давлатларида ушбу бозорнинг бошқа давлатларга нисбатан ривожланишида турли тўсиқлар мавжуд. Бу молиявий ресурсларни жалб этиш механизми билан боғлиқ жараён дир. Инфляция ва валюта курслари ҳам мазкур бозорга сезиларли кучли таъсир ўтказмоқда.

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, уюшган қимматли қоғозлар бозори – бу барча иштирокчиларга тенг шароитлар яратиб, талаб ва таклиф асосида объектив нарх шаклланишини таъминловчи, юқори даражали ташкиллашган ҳамда ўзининг институционал инфратузилмасига эга бўлган молиявий воситалар савдо майдонларининг яхлит тузилмаси. Мазкур бозорда савдо битимларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган операцияларда савдо ташкилотлари томонидан олдиндан белгиланган тадбирлар ва тегишли қоидаларга бозорнинг профессионал иштирокчилари томонидан қатъий риоя этилиши талаб этилади.

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

Уюшган қимматли қоғозлар бозори молия бозорининг муҳим бир элементи сифатида ўзининг институционал таркибий тузилмасига эга.



1-расм. Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг яхлит институционал тузилмаси⁹


Ҳозирги кунда, уюшган қимматли қоғозлар бозорининг энг муҳим институционал бирлиги бўлган «Тошкент» республика фонд биржаси – оммавий ва ошқора биржа савдоларини олдиндан белгиланган жойда ва белгиланган вақтда ўрнатилган қоидалар асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали фақат қимматли қоғозлар савдоси учун шароитлар яратиб берувчи юридик шахс ҳисобланади¹⁰.

Диссертациянинг «Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш таҳлили» номли иккинчи бобида уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. «Тошкент» РФБнинг уюшган қимматли қоғозлар бозори сифатидаги фаолияти таҳлилий ёритиб берилган ҳамда унинг фаолиятидаги муаммолар кўриб чиқилган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда уюшган қимматли қоғозлар бозори кўрсаткичлари ва уларнинг ривожланиш ҳолати таҳлил этилган.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозоридаги савдо ҳажмининг ўсганлиги ижобий ҳолат сифатида қараш мумкин. Аммо, ушбу савдо ҳажмининг мамлакат ЯИМдаги улушини таҳлил этиш орқали макроиқтисодий даражада мазкур тенденцияларга аниқроқ баҳо бериш имкони мавжуд (2-расм).

⁹ Муаллиф томонидан амалдаги қонунчилик асосларига мувофиқ тузилган. Изоҳ: Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг фаолияти Ўзбекистон республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5073-сон Қарорига кўра тугатилган.

¹⁰ <https://lex.uz/docs/2662539>




2-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори айланмасининг ЯИМ ҳажмидаги улушининг ўзгариши¹¹

Мазкур расмда Ўзбекистонда 2010–2019 йилларда қимматли қоғозлар бозори айланмасининг ЯИМ ҳажмидаги улушининг ўзгариши ифодаланган бўлиб, Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмида қимматли қоғозлар бозори савдо ҳажми ўртача 3,6 %ни ташкил этади, холос. Мазкур кўрсаткич бошқа ривожланаётган ва ривожланган давлатлардаги кўрсаткичлардан анча паст ҳисобланади. «Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд биржаси капитализациясининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши жуда юқори бўлиб, бу кўрсаткич Нью-Йорк ва Токио фонд биржаларида 70-90 фоизни, Корея ва Лондон фонд биржасида 100-120 фоизни, Гонконг фонд биржасида 1000-1200 фоизни ташкил этади»¹². Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорида савдо ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлишига қарамадан, мазкур кўрсаткичларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши жуда кичиклиги сабаб, мазкур бозорнинг етарли ривожланмаганлигини англатади.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг йирик икки сегменти ҳисобланган уюшмаган ва уюшган қимматли қоғозлар бозори ўртасидаги диспропорцион фарқ йирик эканлигини кўриш мумкин. Бу фарқ икки бозорнинг ўзаро ривожланишидаги фарқни таҳлил этиш орқали улар фаолиятида муммоларни кўриш ва уларнинг амалий ечимлари юзасидан таклифлар бериш имкониятини беради.

¹¹Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси ва «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹² Мухамедов Ф. Қимматли қоғозлар бозори: ривожланишнинг муҳим омили. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-economy-uz/1502-immatli-o-ozlar-bozori-rivozhlanishning-mu-im-omili>



3-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденцияси¹³

2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ривожланишида умумий хусусиятли жиҳат шундан иборатки, ривожланиш кўрсаткичлари тебранувчан ҳисобланади. Ушбу давр оралиғида уюшган қимматли қоғозлар бозорининг савдо ҳажми қимматли қоғозлар бозоридаги умумий савдо ҳажмида ўртача 5,0 %ни ташкил этган ҳолда, уюшмаган қимматли қоғозлар бозорининг улуши эса ўртача 95 % ни ташкил қилган. Уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги, хусусийлаштириш жараёнларида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг ёпиқ обуна орқали қимматли қоғозларининг жойлаштирилганлиги, уюшган қимматли қоғозлар бозоридаги қимматли қоғозларнинг ликвидлилик муаммоси ҳам асосий сабаблардан биридир.

Масалага янада кенгроқ ёндашиш мақсадида, уюшган қимматли қоғозлар бозорининг таркибига кирган «Тошкент» республика фонд биржаси, «Эльсис-савдо» электрон савдо тизими, «Банклараро савдо тизими» электрон савдо тизими (2013 йилдан фаолияти тугатилган) савдо ҳажмлари ўзгариш тенденцияларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уюшган қимматли қоғозлар бозори савдо ҳажмида «Тошкент» Республика фонд биржаси яққол устунликка эгалик қилиб келмоқда. Бу, албатта, фонд биржасининг инфратузилмаси ривожланиб бораётганлиги билан ҳам боғлиқ ҳолатлардан биридир. 2010-2019 йиллар оралиғида уюшган қимматли қоғозлар бозори савдо ҳажмида «Тошкент» Республика фонд биржаси 80-98 % оралиғида улушга эга бўлган. Айтиш керакки, фонд биржасида савдолар ҳажми бир хилда доимий ўсиб бормаган. Жумладан, 2013, 2014 йилларда олдинги

¹³ Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси ва «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йилларга нисбатан фонд биржасида савдо ҳажми ўртача мазкур йилларда 35 %дан пасайганлигини кўрамиз.

2-жадвал

Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозор ривожланишининг институционал тузилмаларининг кўрсаткичлари¹⁴

Йиллар	Уюшган қимматли қоғозлар бозори савдо ҳажми, млрд сўм	Шу жумладан, уюшган қимматли қоғозлар бозори сегментлари бўйича, млрд. сўм					
		«Тошкент» РФБ	Улуши, %	«Эльсис савдо» ЭСТ	Улуши, %	«Банклараро савдо тизими» ЭСТ	Улуши, %
01.01.2011	65,1	52,4	80,4	12,2	18,7	0,6	0,9
01.01.2012	214	164,6	84	48,6	15,6	0,8	0,4
01.01.2013	207	170,7	82,4	36,2	17,5	0,19	0,1
01.01.2014	95,6	93,2	97,4	2,5	2,6	0	0
01.01.2015	100,2	97,6	98,1	2,6	1,9	0	0
01.01.2016	170	161,04	94,6	9,24	5,4	0	0
01.01.2017	311,7	300,8	96,5	10,93	3,5	0	0
01.01.2018	302,5	298,55	98,7	3,97	1,3	0	0
01.01.2019	814,5	687,3	91,1	127,2	8,9	0	0
01.01.2020	495,4	438,8	86,6	56,6	11,4	0	0

Савдо ҳажми фонд биржасида 2018 йилда энг юқори кўрсаткични қайд этиб, 687,3 млрд сўмни ташкил этган. 2019 йилда эса мазкур кўрсаткич 36,1 %га пасайиб, 438,8 млрд сўмни ташкил қилган. Албатта, мазкур кўрсаткичнинг ўзи ҳам фонд биржаси фаолиятини янада ривожлантириш лозимлигидан, фонд биржаси листинг талабларини замон талабларига мослаштириш керак эканлигидан далолат бермоқда.

Иқтисодчи олимларнинг фикрича, «уюлмаган бозорда уюшган бозор («Тошкент» Республика фонд биржаси ва «Эльсис-савдо» биржадан ташқари уюшган бозори)га нисбатан савдо ҳажми юқорилигининг асосий сабаби, давлатга тегишли корхоналар акциялари хусусийлаштириш йўли билан бозорга чиқарилганлиги жараёни билан боғлиқ. Уюлмаган бозорнинг умумий бозор ҳажмида уюшган бозорга нисбатан гипертрофирлашган даражада устунлигининг яна бир сабаби уюлмаган бозорда трансакцион (комиссион) харажатлар минимал даражада эканлиги ва уларни расмийлаштириш осонлигидир»¹⁵.

«Тошкент» РФБнинг фаолиятини янада чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида фонд биржасида сўнгги 5 йиллик давомида қимматли қоғозини жойлаштирган акциядорлик жамиятлари (АЖ) сонининг ўзгариши, савдо битимлари сонининг динамикаси, биржада жойлаштирилаётган қимматли қоғозлар сони ҳамда тузилаётган битимлар ҳажмининг ўзгаришини таҳлил этамиз (3-жадвал). Сўнгги 5 йиллик даврида «Тошкент» Республика фонд

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентли, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (собик) ва «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁵<https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-economy-uz/1502-immatli-o-ozlar-bozori-rivozhlanishning-mu-im-omili>

биржасида ўзининг қимматли қоғозларини жойлаштирган АЖлари сони 2019 йилда 2015 йилга нисбатан ўсган бўлсада, олдинги йилга нисбатан 19 тага камайган. Яъни, 2018 йилда 118 та АЖлари фонд биржасида ўзининг қимматли қоғозларини жойлаштирган бўлса, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 99 тани ташкил этган.

3-жадвал

«Тошкент» РФБнинг фаолият кўрсаткичлари¹⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	01.01.2016	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020
Фонд биржасида қимматли қоғозини жойлаштирган АЖлари сони	25	141	99	118	99
Савдо битимлари сони, дона	2794	3080	2572	13750	32816
Қимматли қоғозлар сони, млн. дона	17,3	689,1	1551,6	10062,6	81100
Битимлар ҳажми, млрд. сўм	161,04	300,8	298,6	687,3	438,8

Албатта, АЖлари сонининг камайиши, ўз навбатида фонд биржаси савдо ҳажмининг жиддий ўзгаришига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказган. Фонд биржасида савдо бўйича битимлар ҳажми 2018 йилда 687,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 438,8 млрд сўмни ташкил этган. Яъни, савдолар бўйича битимлар ҳажми 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 248,5 млрд сўмга камайган.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар асосида қайд этиш мумкинки, келгусида фонд биржаси савдо битимлари ҳажмининг камайишининг олдини олиш ҳамда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда маҳаллий корпоратив ва муниципал облигацияларни чиқариш соҳасини ҳам ривожлантириш уюшган қимматли қоғозлар бозорида арзон капитални жалб этиш учун кўпгина имкониятларни яратади. Бу борада облигациялар бозорида (Bond Market) масъулияти чекланган жамиятлари томонидан чиқариладиган корпоратив облигацияларни биржада эркин савдосини ташкил этиш таклифи фонд биржаси кузатув кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Тошкент» Республика фонд биржаси котировка варағи тўғрисида»ги низомда ўз аксини топган ҳамда мазкур диссертация тадқиқотлари натижасида берилган ушбу таклиф амалиётга жорий этилди. Таклифни амалиётга тадбиқ этилиши натижасида МЧЖ шаклидаги эмитентларнинг корпоратив облигациялари фонд биржаси инструментлари таркибига киритилган ва муомалада янги молиявий инструментларнинг пайдо бўлишига имконият яратилди. «Қайд этилишича, ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритадиган масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) кўринишидаги 148 мингдан ортиқ корхона мавжуд. Аксарият акциядорлик жамиятларига қараганда кўпроқ инвестиция жалб қилишга қодир ушбу корхоналарнинг барчасида ўз бизнесини молиялаштиришга банк кредитидан бошқа муқобил вариант йўқ. Корпоратив облигациялар эса МЧЖлар учун шундай муқобил

¹⁶ «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йўлга айланиши мумкин»¹⁷.

Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозорини таҳлил этиш натижалари ушбу бозорнинг хорижий мамлакатлар уюшган қимматли қоғозлар бозорига интеграциясини тақозо этишини инобатга олиб, хорижий мамлакатларда уюшган қимматли қоғозлар бозори кўрсаткичлари ва уларнинг ривожланиш ҳолатини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

4-жадвал

Хорижий мамлакатларда уюшган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш динамикаси, млрд долларда¹⁸

№	Давлатлар номи	Йиллар					01.01.2020 йилда дунё бўйича капитализация ҳажмидаги улуши, %
		01.01.2016	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	
1	АҚШ	25067	27352	32120	30436	34429	50,0
2	ХХР	8188	7320	8711	6324	8515	12,3
3	Япония	4894	4955	6222	5296	6191	9,0
4	Гонконг (Хитой)	3184	3193	4350	3819	4899	7,1
5	Саудия Арабистони	421	448	451	496	2406	3,5
6	Ҳиндистон	1516	1566	2331	2083	2179	3,2
7	Германия	1715	1716	2262	1755	2098	3,0
8	Швейцария	1519	1403	1686	1441	1834	2,7
9	Австралия	1187	1268	1508	1262	1487	2,2
10	Бразилия	490	758	954	916	1187	1,7
11	Жанубий Африка	735	951	1230	865	1056	1,5
12	Испания	787	704	888	723	797	1,2
13	Сингапур	639	640	787	687	697	1,0
14	Таиланд	348	432	548	500	569	0,8
15	Индонезия	353	425	520	486	523	0,8
Жами:		51043	53131	64568	57089	68867	100

4-жадвал маълумотларида уюшган қимматли қоғозлар бозори ривожланган ва бозор капитализацияси юқори бўлган 15 та давлатнинг 2015-2019 йиллардаги бозор капитализацияси таҳлили ўрин олган. Уюшган қимматли қоғозлар бозори капитализациясининг 2019 йилдаги ҳажмида (68 трлн 867 млрд АҚШ доллар) энг юқори улушларни АҚШ (50 фоиз) ва Хитой (12,3 фоиз) эгаллаб келган. Мазкур ТОП-15 рейтингда АҚШ ва Хитойдан кейинги ўринларни Япония (9,0 фоиз) ва Гонконг (7,1 фоиз) банд этган.

Мазкур жадвалдаги маълумотлар асосида айтиш мумкин, уюшган қимматли қоғозлар бозори ривожланишида Саудия Арабистонида жиддий ўзгаришларни кўриш мумкин. Сабаби, 2015-2018 йилларда мазкур давлатдаги уюшган қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажми

¹⁷ <https://daryo.uz/k/2020/06/21/ozbekistonda-masuliyati-cheklangan-jamiyatlarga-obligatsiyalar-chiqarish-huquqi-berildi/>

¹⁸Муаллиф томонидан шакллантирилган. Манба: <https://knoema.com/atlas/topics/Economy/Financial-Sector-Capital-markets/Market-capitalization> ва <https://www.masterforex-v.org/wiki/capitalization.html>

ўртача 454 млрд долларни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилда мазкур давлатнинг уюшган қимматли қоғозлар бозори капитализацияси ҳажми 2406 млрд. долларга етган. Бошқача айтганда, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нибатан 5 баробардан ортиқ ўсганлигини кўрамыз.

Ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам уюшган қимматли қоғозлар бозори институтлари фаолиятини хорижий давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, уюшган қимматли қоғозлар бозорининг Stock Market сегментида «Premium» ва «Standard» тоифаларини жорий этиш орқали «Тошкент» РФБнинг листинг тоифаларини такомиллаштириш таклифи фонд биржаси Кузатув кенгашининг 2020 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланган ««Тошкент» Республика фонд биржаси котировка варағи тўғрисида»ги низомда ўз аксини топган. Ушбу листинг тоифалари 2021 йилнинг 1 январига қадар амалиётда қўлланилган А, В, С, Р листинг тоифалари ўрнига жорий этилди. Мазкур листинг тоифаларининг амалиётга жорий этилиши бозорда инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада ошишига хизмат қилади.

Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2021 йилнинг 10 июнь ҳолатига «Тошкент» РФБнинг янгиланган листинг тоифалари бўйича 1 та эмитент «Premium» тоифасига, 137 та эмитент «Standard» тоифасига киритилган¹⁹.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланиб, унда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари кўриб чиқилган, уюшган қимматли қоғозлар бозорида илғор хорижий тажрибаларни қўллаш имкониятлари ўрганилган, Ўзбекистонда уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари баён этилган.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдаги асосий муаммолари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

биринчидан, қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва уларни жойлаштиришдаги амалдаги механизмни такомиллаштириш долзарблигича қолмоқда. Натижада, мазкур соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни ниҳоятда пастлигича қолмоқда. Жумладан, «Фонд бозоридаги акцияларнинг жами қиймати 25 трлн. сўм бўлиб, ЯИМга нисбатан 6%га ҳам етмайди. Мисол учун, бу кўрсаткич Сингапурда 188%, Малайзияда 112%, Россияда 34%ни ташкил этади. Фонд бозорини ривожлантиришнинг янги стратегиясини амалга ошириш натижасида 2025 йил охиригача Ўзбекистонда бу қиймат камида 10-15%га етказилиши керак»²⁰;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги

¹⁹ «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида https://uzse.uz/isu_infos

²⁰ https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/fond_bozori_muammolar_qanday_va_ular_qanday_hal_qilinadi

ПҚ-5053-сон Қарори билан «2021 йил 1 майдан бошлаб Капитал бозорини ривожлантириш агентлигини тугатиш ва унинг барча вазифа, функция ва ваколатларини Молия вазирлигига бериш»²¹ назарда тутилган. Шу муносабат билан мазкур вазиятда қимматли қоғозлар бозори фаолиятига оид бўлган асосий қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда уюшган қимматли қоғозлар бозори фаолиятига тааллуқли бўлган қуйидаги муносабатларни қамраб олувчи қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини юритувчи, уюшган қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга қаратилган стратегик концепцияларни амалга оширувчи ягона давлат регуляторини белгилаб берадиган ҳуқуқий нормани киритиш лозим;

